

Тошкент ш.

2021 йил «__» _____

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳузуридаги Илмий-ўқув амалий маркази (бундан буён матнда “Марказ” деб аталади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи ташкилот раҳбари А.Баратов бир томондан ва _____ (бундан буён матнда “Буюртмачи” деб аталади) номидан _____ асосида фаолият юритувчи ташкилот раҳбари _____ иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. Шартнома предмети

- 1.1. Марказ шартноманинг 1.2 бандида кўрсатилган хизматларни амалга оширади, Буюртмачи эса ушбу хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаб беради.
- 1.2. Марказ тест вариантларининг валидлиги, ишончилиги, дистрактор таҳлили, тестнинг дифференциялаш имконияти ва унинг қайси қобилиятларни яхши баҳолай олиши ҳамда ҳар бир тест топшириғининг қийинлик даражаси, тест топширувчиларнинг натижалари бўйича алоҳида қобилиятини аниқлаб, таҳлил қилиб бериш (бундан буён матнда Хизматлар) мажбуриятини зиммасига олади.
- 1.3. Хизматларни бажариш муддати 20 __ йил "__" _____ дан 20 __ й "__" _____ гача. Марказ хизматларни муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга.
- 1.4. Хизматлар тарафлар томонидан “Бажарилган ишлар далолатномаси” имзолангандан сўнг бажарилган ҳисобланади.

2. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

- 2.1. **Буюртмачининг ҳуқуқлари :**
 - 2.1.1. Исталган вақтда, Марказнинг фаолиятига аралашмасдан, хизматларнинг бажарилишини ва сифатини текшириш;
 - 2.1.2. Бажарилган ишлар далолатномаси тузилгунга қадар Марказни олдиндан хабардор қилган ҳолда ҳамда бажарилган хизматларга мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда исталган вақтда шартномадан воз кечиш.
- 2.2. **Буюртмачининг мажбуриятлари:**
 - 2.2.1. Шартноманинг 4-бандида кўрсатилган шартнома суммасини ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб бериш.
 - 2.2.2. Хизматларни бажариш учун Марказ томонидан талаб қилган маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш.

3. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Марказнинг ҳуқуқлари:

- 3.1.1. Хизматларни ўз вақтида ва лозим даражада бажарилиши учун зарур бўлган маълумотларни талаб қилиш.
- 3.1.2. Буюртмачи томонидан шартнома шартларига риоя қилинмаган тақдирда хизмат кўрсатишни тўхтатиб туриш;

3.2. Марказнинг мажбуриятлари:

- 3.2.1. Хизматларни лозим даражада бажариш;
- 3.2.2. Хизматларни Шартноманинг 1.3. бандида кўрсатилган муддатларда бажариш;
- 3.2.3. Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни ____ иш куни давомида бартараф этиш.
- 3.2.4. Буюртмачини ўзгартиришлар кучга киришидан ____ иш куни аввал огоҳлантирган ҳолда мазкур шартнома шартларига ўзгартириш киритиш.

4. Хизмат учун ҳақ тўлаш миқдори ва тартиби

- 4.1. Ушбу шартнома нархи ҳар бир фан бўйича ўтказилган тест таҳлили натижаси учун 753 000 (етти юз эллик уч минг) сўмни ташкил этади.
- 4.2. Шартноманинг умумий суммаси _____ (_____)
- 4.3. Буюртмачи шартнома қийматининг олдиндан 15% тўловини шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 банк иш куни мобайнида, қолган 85% миқдоридаги тўловини Бажарилган ишлар далолатномаси имзолангандан сўнг 3 банк иш куни ичида амалга оширади.
- 4.4. Буюртмачи томонидан шартнома нархини тўлаш ушбу шартномада кўрсатилган Марказнинг ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

5. Низоларни ҳал этиш тартиби ва

5.1. Тарафлар ўртасида юзага келган келишмовчилик ва низолар музокаралар орқали ҳал этилади.

5.2. Тарафлар музокаралар орқали ўзаро мақбул ечимни топа олмаган тақдирда, Тарафлар низони ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг тегишли суд органларига мурожаат қилишади.

6. Шартнома бўйича жавобгарлик

6.1. Ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, Тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

7. Форс-мажор

7.1. Тарафлар ўзларининг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар оқибатида шартнома шартларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигини исботлаб берган тақдирда, Тарафлар мазкур шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

7.2. Ушбу Шартноманинг 7.1-бандида кўрсатилган ҳар қандай ҳолатларга ишора қилувчи Тараф зудлик билан, лекин енгиб бўлмас кучлар ҳолати юзага келган кундан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай бошқа Тарафни ушбу ҳолатларнинг бошланиши ва тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

7.3. Агар форс-мажор ҳолатларига дуч келган ва бошқа Тарафни 7.2-бандида кўрсатилган тартиб ва муддатда ушбу ҳолат тўғрисида хабардор қилмаган ёки огоҳлантирмаган тараф ушбу Шартноманинг мажбурияти бузилганлиги учун жавобгарликдан озод қилинмайди.

8. Шартнома муддати ва уни бекор қилиш тартиби

8.1. Шартнома имзоланган кундан кучга қиради ва 31.12.2021 йилга қадар амалда бўлади.

9. Бошқа шартлар

9.1. Тарафлар ушбу шартномани тузиш ва ижро этиш учун зарур ҳуқуқ лаёқати, шунингдек, барча ҳуқуқ ва ваколатларга эга эканлигини кафолатлайди.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган ва бир хил юридик кучга эга.

10. Тарафларнинг реквизитлари

"БУЮРТМАЧИ"

"МАРКАЗ"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест Маркази ҳузуридаги
Илмий-ўқув амалий Маркази

Манзил: _____

Индекс: _____

Тел.: _____

Х/р: _____ МФО: _____

Банк: _____

ИНН: _____ ОКЭД: _____

Манзил: Тошкент ш, Юнусобод тумани,

Боғишамол 12 уй. Индекс: 100084

Тел.: +99895 515-68-68,

e-mail: ilmiy_markaz@dtm.uz

Х/р: 2020 8000 7052 9594 6001 МФО: 00837

Банк: АТИБ "Ипотека банк" Юнусобод филиали

ИНН: 307 823 101, ОКЭД: 856 000

Рахбар _____

Бошлиқ _____ А.Баратов

Бош ҳисобчи: _____

Бош юрисконсулт: _____